
Эртага халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтади

Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси 18 май санасига белгиланган.

Сессия кун тартибидан Адлия бўлими ва суд органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати ҳамда одил судловни амалга ошириш борасида амалга оширган ишлари юзасидан ахборотлари, “Аёллар дафтари” нинг 3-босқичига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш доирасида амалга оширилаётган ишлар, умумтаълим мактабларидаги директор вакант лавозимларига номзодлар учун тавсия бериш ҳамда Кенгаш ваколатига кирувчи бошқа, жами 10 га яқин масалалар ўрин олган.

Сессия ишида сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, сиёсий партиялар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этади.

Сессия ўз ишини шу куни соат 11:00 да туман ҳокимлигининг мажлислар залида бошлайди.

2022-05-17 22:22:36